

шундай ташкил этиш керакки, бунда талабалар илмий билимлар ҳамда уларни амалда қўллаш методларини онгли ва фаол эгаллаб олиши, уларда ижодий ташаббускорлик ва ўқув фаолиятида мустақиллик, ижодкорлик, тафаккур, нутқ техникасини ривожлантиришга хизмат қилишини таъминлашга эътибор қаратиш.

Иккинчидан, бугунги кунда рақамли иқтисодиёт даврида бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини замон талаблари

асосида шакллантириш ва ривожлантириш йўллари амалга ошириш.

Учинчидан, компетенция, айниқса, ҳар бир соҳа вакилларида касбий компетенция бўлажак мутахассисларнинг жамиятда тутган ўрнини белгилар экан, жамият ҳам юқори малакали касбий компетенцияга эга бўлган мутахассислар тайёрлашдан манфаатдор бўлишини уларга англаб етишларига эришиш.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни. – Т., 2020 йил 23 сентябрь. // *Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси*: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Шавкат Мирзиёев. "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони. <https://lex.uz/>
3. Шавкат Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли фармони. <https://lex.uz/>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. // "Халқ сўзи" газетаси. 2017 йил 21 апрель. 79 (6773)-сон.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг зарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 48 бет.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли фармони. <https://lex.uz/>
7. Джон Равен. Компетентность в современном обществе. – М.: Когито-Центр, 2002. – 396 с.
8. Зуннунов. А. Педагогика тарихи. Олий ўқув юртлири учун дарслик. Шарқ нашриёти. – Т., 2004 й. 148-б.
9. Муслимов Н.А ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: Sapostandart, 2015. – 120 б.
10. Муқимов Б.Р. Талабаларни мустақил иш жараёнида интерфаол таълим методлари асосида дидактик компетенциясини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2020. – 186 бет.
11. Musakhanova, G. (2022). <https://masterjournals.com/index.php/crjp>: Design and research method as an innovative approach aimed at the development of organizational abilities of students in the process of independent work. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/600>
12. Подласый. И.П. Педагогика. – М.: Владос, 2007.
13. Хуторской А.В. Компетентный подход в обучении. Научно-методическое пособие. А.В.Хуторской. – М.: Издательство «Эйдос»; Издательство Института образования человека, 2013. – 73 с.: ил. (Серия «Новые стандарты»).
14. Khakimova M.F., Mirzaeva M.N., Bazarova U.M., Musakhanova G.M. Opportunities of innovation technologies in higher education. *International Journal on Integrated Education*. 3, 12 (Dec. 2020), 282-285. DOI: <https://doi.org/10.31149/ijie.v3i12.1002>.



### МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КРЕАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss2/a50](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a50)

Акбарова Сайёра Шухратовна -  
ТДИУ таянч докторанти

**Аннотация.** Ушбу мақолада мустақил таълим жараёнида талабаларнинг креатив компетенцияларини ривожлантириш асослари ёритилган. Шунингдек, бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришда эътиборли бўлиш, таълим ва тарбия жараёнини компетентли ёндашув асосида олиб бориш лозимлиги ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** таълимни рақамлаштириш, мустақил таълим, компетентлик, касбий компетентлик, компетенция, креатив компетенциялар, креативлик, Hard skills, Soft skills.

### ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ КРЕАТИВНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ

Акбарова Сайёра Шухратовна -  
докторант ТГЭУ

**Аннотация.** В статье рассматриваются механизмы формирования профессиональной компетентности в рамках образовательного процесса на примере развития навыков самостоятельного обучения. Особое внимание уделено обучению развитию креативного мышления будущих специалистов в контексте процесса усвоения знаний, а также раскрыты механизмы инновационного потенциала.

**Ключевые слова:** цифровизация образования, самостоятельное обучение, компетентность, профессиональная компетентность, компетенция, креативные компетенции, креативность, Hard skills, Soft skills.

## FUNDAMENTALS OF THE DEVELOPMENT OF STUDENTS' CREATIVE COMPETENCIES IN THE PROCESS SELF-STUDY

**Akbarova Sayyora Shuxratovna -**

*PhD researcher, Tashkent State University of Economics*

**Abstract.** *The article discusses the mechanisms of formation of professional competence within the framework of the educational process on the example of the development of self-study skills. Particular attention is paid to training the development of the creative mind of future specialists in the context of the process of assimilation of knowledge, and the mechanisms of innovative potential are also disclosed.*

**Keywords:** *digitization of education, independent learning, competence, professional competence, competence, creative competencies, creativity, Hard skills, Soft skills.*

**Кириш.** Мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида таълимнинг сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Замонавий таълимда таълим иштирокчиларининг креатив компетенцияларини шакллантиришнинг долзарблиги таълимни ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати билан белгиланади. Бугунги кунда таълим тизимида янги педагогик ва рақамли технологиялар, оммавий ахборот-коммуникация воситаларининг кенг жорий этилиши уларнинг ўқув жараёни сифатига, таълим берувчининг илмий-педагогик имкониятларига, таълим олувчининг эса билимларни ўзлаштириш ҳамда мутахассисликни эгаллаш даражасига таъсир қилмоқда.

Иқтисодиётга рақамли технологияларнинг жадал суръатлар билан кириб келиши, жамиятдаги ижтимоий ўзгарувчан масалаларнинг кўплиги ва уларга тезликда ечимлар топишнинг зарурлиги жамиятни ахборотлар билан тўйинтирмоқда, кишиларнинг эса касбий компетенцияларини ўзгартирмоқда. Иқтисодиётнинг барча соҳалари креатив инновациялар билан бойитилаётганлиги корхона ва ташкилотлар фаолиятларини муҳит бўғиқлигидан аста-секин эркин – ижодий муҳитга ўтказмоқда, ҳар қандай ишни креатив тарзда амалга оширишни талаб қилмоқда, иш жараёнида ёш мутахассисларининг ижодий ғоя ва фикрларини эътиборга олмақда. Аммо шу билан бир қаторда борган сари матбуотда ва педагогикада “сохта компетенция” тушунчаси пайдо бўлмоқда, чунки турли манбалардан осонгина олинадиган маълумотларни ўзлаштириш (плагиатлик, ғояларни ўғирлаш ва ҳоказо) касбий компетенцияга тенглаштирилмоқда ва билимларни ўзлаштириш даражаси эса билимларнинг турли соҳаларида юзаки эгаллаш билан алмаштирилмоқда. Буларнинг бари бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришда эътиборли бўлиш, компетентликнинг назарий ва амалий асосларини пухта эгаллаш, таълим ва тарбия жараёнини компетентли ёндашув асосида олиб бориш лозимлигини кўрсатади.

Таълим жараёнининг методлари ва методикасида, биринчи навбатда, таълим иштирок-

чиларининг креативликларини очиб бериш учун ниҳоятда кенг имкониятларни тақдим қиладиган аудиториядан ташқари таълим берувчининг раҳбарлигидаги машғулотларда ҳамда таълим олувчининг индивидуал мустақил ишларида модификациялашган мазмун, янги технологиялар, инновацияларни излаш зарурлигини таъкидлайди. Креатив инновацион ғояга эга мутахассисларни шакллантириш замонавий таълим тизимининг асосий вазифаларидан бири бўлгани учун ушбу вазифага фақатгина креатив ўқитиш методикасини мақсадли олиб бориш билан эришиш мумкин; бунда таълим олувчига янги билимларни тушунишига, улардан янгилик яратиши, мавжуд муаммоларга ўзига хос оригинал ечим топа билиш ва амалиётга самарали татбиқ этишига имкон берилиши лозим.

**Адабиётлар таҳлили.** Олий таълим муассасида таълим берувчиларнинг, айниқса, педагогик кадрларни тайёрловчиларнинг педагогик компетентлик ва креативлик асослари, унинг моҳияти ва зарурати, профессионал ва ўрта таълимда турли фанлар бўйича бўлажак ўқитувчиларда педагогик компетентлик ва креативликни шакллантириш масалалари ва муаммоларини юртимиз педагог олимлари ўз тадқиқотларида аниқ ёритиб беришган.

Педагог олим Н.А.Муслимов бошчилигидаги тадқиқотчилар педагогик компетентлик ва педагогик креативлик асослари ҳамда бўлажак профессионал ўқитувчиларнинг касбий профессионалигини шакллантириш бўйича қатор изланишлар олиб боришган. Н.А. Муслимов ўз асарларида “компетентлик” ва “касбий компетентлик” тушунчалар моҳиятини аниқ ифода-лаб берган [1].

Моҳиятига кўра, компетентлик (ингл. “competence” – “қобилият”) фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш маъносини билдиради.

“Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик илмий изланишлар натижасида кириб келган. Психологик нуқтаи назардан компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, қутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши,

мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб борувчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгаллик"ни англатади [1].

Касбий компетентлик тушунчаси эса мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларнинг амалда юқори даражада қўллаш олиниши ҳисобланади.

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича умумлаштирилган билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутлади. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб бориш, янги ахборотларни ўрганиш, муҳим ижтимоий талабларни англай олиш, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллаш билишни тақозо этади [1].

Педагогик компетентлик негизини ҳам касбий компетентлик сифатлари ташкил этади. Бир қатор тадқиқотларда, хусусан, А.К.Маркова, Б.Назаровалар изланишларида педагогга хос касбий компетентлик, унинг таркибий асослари ва хусусиятлари ўрганилган.

Педагог тадқиқотчи З.Т.Раҳимов илмий изланишлари натижасида педагогнинг таълим-тарбия жараёни самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи педагогик компетентлик ва унинг зарурати масалаларини ҳамда касбий компетентлик сифатлари ва моҳиятини асослаб берган [2].

Педагог олим О.Мусурмонова таълим-тарбия назариясига боғлиқ ўз дарслигида [3] педагогик компетентлик масалалари, айниқса, ўқитувчиларнинг фанлар бўйича компетентликка эга бўлишлигини алоҳида кўрсатиб ўтган.

**Тадқиқот методологияси.** Мазкур ишда мустақил таълим жараёнида талабаларнинг креатив компетенцияларини ривожлантириш асослари ўрганилди. Тадқиқот давомида тизимли ёндашув ва таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, педагогик компетентлик (лойиқлик) билан бир қаторда педагогик креативлик (ижодкорлик) деган тушунча педагогик фаолиятда муҳим аҳамиятга эга. Педагогнинг ўз касбига компетентлиги унинг билим даражаси ва педагогик салоҳияти, замонавий педагогик технологияларни қай даражада ўзлаштириб олгани, педагогик маҳорати, таълим ва тарбия билан боғлиқ масалалани қанчалик ҳал эта олиш каби педагогик қобилияти билан белгиланади. Педагогнинг

креативлиги эса унинг замонавий педагогик ҳамда рақамли технологиялар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш, фанлар бўйича назария ва амалиётни бирлаштириш, ўқитишнинг янги усул ва воситаларини яратиш, ўз билим ва маҳоратини ошириш бўйича доимий равишда илмий изланишлар билан шуғулланиш, инновацион ғояларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш каби ижодкорлик қобилияти билан белгиланади.

"Креативлик" тушунчаси ва унинг касбий фаолиятдаги ўрнини аниқлашда бир неча ёндашувларни кўриш мумкин. "Креативлик" ва "педагогик креативлик" тушунчаларининг моҳияти, сифатлари, белгилари, шахсда креативликни ривожлантириш омиллари Н.А.Муслимов мактабининг тадқиқотчилари томонидан кўрсатиб берилган.

Моҳиятига кўра, креативлик (лот., инг. "create" – яратиш, "creative" – яратувчи, ижодкор) индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти маъносини билдиради. Шахснинг креативлиги унинг дунёқараши, сўзлашиши, бераётган фикрлари ва қарашлари, фаолиятида намоён бўлади. Шунингдек, креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида акс этади. Қолаверса, креативлик ҳар соҳада қобилиятлилик, зеҳни ўткирликни кўрсатиб беради [1].

Креативлик турли вазиятларда таълим ва тарбияга оид масалала юзасидан қарорларни қабул қилишда яққол намоён бўлиб, у педагогнинг ижодий фаоллигини тавсифлайди [4]. Педагогнинг ижодкорлиги унинг таълимни ташкил этишга ижодий (креатив) ёндашувида акс этади. Шунинг учун сўнгги йилларда таълимда "педагогик креативлик" деган тушунча қўлланилмоқда.

Педагогик креативлик педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёни самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилиятидир. Педагогнинг креативлиги қай даражада эканлиги педагогнинг креативлик потенциали номли умумий хусусияти сифатида акс этади. Ушбу сифат шахснинг ўз-ўзини намоён қилиш лаёқатига эгаллик ва тайёргарлигини ифодалайди [5].

Россия педагог олимларидан М.М.Кашапова, Т.В.Киселева, Т.В.Огородовалар [6] назарий тузилмалар ва ғоялар билан амалий таклифлар орасида педагогнинг касбий креативлигини шакллантириш жараёнининг назарий методологик асосларини, касбий креативликнинг си-

фатлари ва функционал вазифаларини, шакллантириш критерияси ва даражасини, креативликни самарали шакллантириш тамойиллари, усуллари ва шароитларини аниқлаб беришган.

И.Е.Брякова [7] педагогнинг креатив компетенцияси талаба-филолог адабий-ижодий қобилиятини ривожлантириш омили эканлигини, айниқса, таълимни рақамлаштириш даврида педагогнинг креатив компетентлиги таълимнинг янги вектори эканлигини кўрсатиб берган.

Ҳозирги вақтда компетенция, компетентлик тушунчалари ва уларнинг таркибига кирувчи компонентлар мазмунини аниқлаш, фаолиятнинг тури соҳаларида уларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш муаммолари бўйича кўплаб тадқиқот материаллари тўпланган. Бу эса уларни классификациялаш (таснифлаш) масалаларига аҳамият бериш лозимлигини юзага келтирди.

Компетенция, компетентлик, креативлик тушунчаларига бағишланган адабиётлар ва илмий тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда таълим тизимида таълим олувчиларнинг креатив компетенцияларини ривожлантириш масаларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Тадқиқотлар таҳлили яна шуни кўрсатадики, талабаларнинг креатив компетенцияларини ривожлантириш масаласи педагог тадқиқотчилар томонидан турлича талқин этилган бўлса ҳам бугунги кунда таълим соҳасида олиб борилаётган *ислохотларни ўтказиш* таълим жараёни иштирокчиларининг креативлигини шакллантиришнинг, айниқса, таълим олувчиларнинг ўз мутахассисликларини эгаллашида ижодий ва танқидий муносабатда бўлишнинг янги фаолият усуллари ва фикрлаш моделларини ишлаб чиқиш зарурлигини назарда тутадиган *педагогик стратегия чизиғини (йўл харитаси)* яратиш зарурлигини талаб қилмоқда.

Талабанинг креативлиги амалга оширилдиган тадбирлар самарадорлигига ёрдам беради. Бу креативлик инсоннинг нафақат ўз ишини сифатли бажариши, балки янги имкониятларни излаш ва уларни ҳамёнбоп нархларда амалга оширишига қизиқиши билан белгиланади; у ҳар қандай вазиятда тезда ностандарт қарорларни қабул қилишга ва ҳар қандай фаолиятни ташкил этиш ва бажаришга кўпроқ куч ва иштиёқ билан ёндашишга қодир. Шуни таъкидлаш керакки, креативлик нафақат амалга оширилаётган фаолиятга, балки талабаларнинг ўз шахсиятлари ривожланишига ҳам таъсир қилади. Креативлик ўзини ўзи англаш, такомиллаштириш ва касбий фаолиятни муваффақиятли амалга ошириб, карьера босқичларидан кўтарилишга олиб келади.

Демак, талабанинг креатив компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш

даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг касбий-ижодий фаолияти шунчалик самарали бўлади. Талабаларда креатив компетенцияларни ривожлантириш методологиясини яратиш учун, аввало, “компетенция” ва “креатив компетенция” тушунчалари ва уларнинг мазмун-моҳиятига аниқлик киритиш лозим.

*Компетенция* (лот. “competentia”) тушунчаси эга бўлган, биладиган, хабардор бўлган, муносиб, лойиқ каби маъноларни билдиради. Ушбу тушунчанинг мазмун-моҳияти эса бирор соҳа бўйича ҳар томонлама чуқур билим ва қобилиятга эга бўлгани учун ҳам асосли фикр юритадиган, самарали фаолият олиб борадиган *шахснинг сифатидир*. Бирор соҳада бундай сифатларга эга бўлган шахслар ўша соҳа бўйича “*компетентлилик*”га эга ҳисобланади ва улар ўз соҳаларида ислохотлар ўтказишда етакчилик қила оладилар.

Таълим соҳасида “компетенция” таълим олувчилар томонидан эгалланган билим, малака ва кўникмаларни мустақил равишда шахсий, ижтимоий ва касбий фаолиятларида амалий қўллаш олиш каби *сифатларни* билдиради, “компетентлилик” эса ушбу *сифатларни эгалланганлик даражасини* белгилаш учун қўлланилади. Компетенция ва компетентлилик тушунчалари билим, малака ва кўникма тушунчаларидан кенгроқ маънони англатади. Чунки улар шахснинг йўналганлиги (мотивацияси, миллий қадриятлардан ғурурланиши), унинг эскирган моддий ва маънавий қарашларини енгиш, муаммоларни ҳис этиш, кузатувчанлик, мустақил фикрлаш, мақсадга интилувчанлик каби иродавий сифатларини қамраб олади.

Бугунги кунда таълим сифатини айнан таълим иштирокчиларининг компетентлигини, айниқса, таълим олувчиларга зарур бўлган таянч, касбий ва махсус компетенциялар комплексини шакллантириш ва ривожлантириш билан, яъни таълим-тарбия жараёнини *компетентли ёндашув* асосида таъминлаш мумкин.

Шунинг учун дунёнинг ривожланган давлатларида таълим мазмунини модернизация қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида таълимда компетентли ёндашувни жорий этиш масаласига асосий эътибор қаратилмоқда. Компетентли ёндашувга асосланган таълим талабаларда эгалланган билим, кўникма ва малакаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллаш олиш лаёқатларини шакллантиришга йўналтирилган таълим ҳисобланади. Компетенция ва компетентлик тушунчалари таълим тизими ўқув-тарбия жараёнига компетентли ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини жорий этиш масаласига асосий эътибор қаратишда алоҳида ўрин эгаллаган [8].

Н.А.Муслимов раҳбарлигида тайёрланган ўқув-услубий мажмуада [5] таълим соҳасидаги нуфузли халқаро экспертлар томонидан таълим-тарбия жараёнига икки хил: “Hard skills – (инглиз. “қаттиқ” малака) касбий компетенциялар ҳамда “Soft skills” – (инглиз. “юмшоқ”, “мослашувчан” малака) универсал (умумий) компетенциялар жорий қилиш таклифи келтирилган.

Маъно-моҳиятига кўра “Hard skills” малака даражасини аниқлаш ва ўлчаш мумкин бўлган билимлар мажмуи сифатида (матнни компьютерда териш малакаси, автомобилни бошқариш кўникмаси, инглиз тилида гапириш, математик билим, компьютер дастурларидан фойдаланиш кўникмаси), “Soft skills” аниқ ва умумий ўлчов бирлигига эга бўлмаган мослашувчан, эгилувчан малакалар (креативлик, жамоада ишлаш кўникмаси, ҳиссий барқарорлик, масъулият, ташаббускорлик ва ҳ.к.) сифатида қайд этилмоқда.

“Hard skills” – “қаттиқ” малака даражасига эга бўлиш учун муайян касб бўйича аниқ билим зарур бўлади ва бу кўникмаларнинг мавжудлиги имтиҳон ўтказиш орқали аниқланади.

“Soft skills” – “юмшоқ” компетенциялар (ижодкорлик, мулоқотга киришиши лаёқати, жамоада ишлаш қобилияти, қатъиятлилик, танқидий фикрлаш ва ҳ.к.) эса кўп ҳолларда инсон характери ва ҳаётий тажрибасига бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли шахсий фазилат, ҳислат, қобилият сифатида ҳам талқин этилади.

Мазмунига кўра “Hard skills” компетенциялар таълим тизимидаги махсус (касбий), “Soft skills” компетенциялар эса таълим тизимидаги таянч компетенцияларни англатади.

XXI асрга қадар таълим тизимида ёшларга асосан “hard skills” – “қаттиқ” малака даражасини беришга эътибор қаратиб келинди. Яъни муайян касбни пухта эгаллаш, унинг сир-асрорларини тўлиқ ўзлаштириш шахснинг етук мутахассис эканлигини белгиловчи асосий фактор сифатида қайд этилган.

XXI аср педагогикаси эса замонавий дунёда бу ҳислатларнинг етарли эмаслиги, эндиликда тафаккурни ривожлантириш, креатив макон, муҳит, креатив шахс, креатив маҳсулот яратишга бўлган эҳтиёж асосида иш тутиш лозимлигини ўқтирмоқда.

Педагог олим Мусурмонова яратган дарслигида [3] касбий компетенциялар, педагогнинг касбий компетенциялари, фанлар бўйича, умумий фанлар бўйича махсус компетенциялар, уларнинг тасниф ва таърифлари, уларни таълим иштирокчиларида шакллантириш босқичлари ва педагог касбий компетентлиги йўналишларини асослаб берган. Дарсликда жаҳон таълим амалиётида келтириб ўтилган қуйидаги муҳим компетенциялар белгилаб берилган:

– турли ахборот манбалари, шу жумладан, таълим муассасасидан ташқаридаги ахборот манбаларидан билимларни мустақил ўзлаштиришга асосланган *билиш фаолияти соҳасидаги компетенциялар*;

– *ижтимоий фаолият соҳасидаги компетенциялар* (фуқаро, сайловчи, ижтимоий гуруҳ, жамоа аъзоси ролини бажариш);

– *меҳнат фаолияти соҳасидаги компетенциялар* (меҳнат бозоридаги ҳолатни таҳлил этиш ва ундан фойдаланиш, ўзининг касбий имкониятлари, ўзини ўзи уюштириш кўникмаларини баҳолаш ва такомиллаштириш);

– *маиший соҳадаги компетенциялар* (оилавий ҳаёт аспекти, саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашни ҳам қамраб олади);

– *маданий фаолият соҳасидаги компетенциялар* (шахснинг маънавий ва маданий жиҳатдан бойиши учун вақтдан унумли фойдаланиши).

“Муҳим компетенциялар” тушунчаси чет эл олимлари томонидан тақдим этилган кўплаб замонавий моделлар асосида ётади. “Муҳим компетенциялар” инсоннинг эгаллаган кўникма ва малакаларини касбий фаолият жараёнида қўллаш, шунингдек, амалларни бажаришнинг умумлашган усулларидан фойдаланиш қобилияти сифатида талқин этилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб, олий таълимда кредит-модуль тизимига ўтиш ва ушбу тизимда ўқиш жараёнида мустақил таълимга кенг ўрин бериш талабаларнинг креатив компетенцияларини ривожлантиришнинг асосий омилдир. Талабаларнинг мустақил ишлаши уларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб шаклланишида самарали таъсир кўрсатади.

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда қуйидаги хулоса ва таклифларни келтирамиз:

Биринчидан, компетенция шахснинг бирор соҳа бўйича сифатли ва самарали фаолият олиб бориши учун зарур билим ва кўникмалар мажмуасини белгиласа, компетентлик шахснинг ушбу кўникмаларни эгаллаганлик даражасини, яъни фойдаланиш қобилиятини белгилайди.

Иккинчидан, адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, компетенция ва компетентлик тушунчаларига умумий ҳолда аниқликлар киритилган бўлса ҳам тадқиқотчилар томонидан бир хил таҳлил қилинмаган. Бу эса замонавий шахс кўникмаларига қўйилаётган талаблар асосида компетенцияларни чуқурроқ ўрганиш, уларни классификациялаш (таснифлаш) ва ривожлантириш усулларини яратишни тақозо этади.

Учинчидан, мамлакатимизнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан

келиб чиққан ҳолда янги жамиятни яратувчи талабаларда ижодкорлик ва изланувчанлик, но-стандарт вазиятларда мустақил равишда қарор қабул қила олиш, турли жараёнларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, таълим олиш ва тадқиқотчилик қилиш, хорижий тилларни эгаллаш ва компьютер технологияларидан фойдаланиш каби ақлий ва амалий фаолиятда ўзининг индивидуал услубларига эга бўлиш имконини берадиган мустақил ишлашни ташкиллаштириш ва муҳим компетенцияларини ривожлантириш методикасини яратиш лозим.

Тўртинчидан, креатив компетенцияларнинг сифатлари ва уларни ривожлантиришга

оид фикрлар таҳлили кўрсатадики, тадқиқотда талабаларда креативликни ривожлантириш зарурати, зарур компонентлар ва улар орасидаги алоқадорлик, креативликни шакллантириш ва ривожлантириш усуллари ҳамда воситалари сингари масалалар тўлиқ ёритилмаган.

Бешинчидан, таҳлил ва изланишлар натижасида талабалардаги креатив компетенцияларнинг бир-бирига боғлиқ компонентлари аниқлаб берилди ҳамда таълимнинг кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишлаши ва креатив фикрлашини самарали ташкил этиш лозимлиги кўрсатилди.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Муслимов Н.А., Ишмухамедов Р.Ж., Тўраев А.Б. "Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш" модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т., 2021. – 108 б.
2. Рахимов З.Т. Таълим жараёни самарадорлигини таъминлашда педагогик креативлик ва унинг зарурати. // Современное образование (Узбекистан). 2019. № 8 (81). С. 3-9.
3. Umumiy pedagogika. I qism. Darslik. / O.Musurmonova [va boshq.]. – Т.: "Yoshlar" nashriyot uyi, 2020. – 376 б.
4. Nakitova M. Zamonaaviy taъlim texnologiyalari: nazariya va amaliyot. // Arxiv nauchnyx issledovaniy. 2020. № 32.
5. Муслимов Н.А ва бошқалар. Педагогик компетенлик ва креативлик асослари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: Sapostandart, 2015. – 120 б.
6. Креативность как ключевая компетентность педагога. Монография. / Под ред. проф. М.М. Кашапова, доц. Т.Г. Киселевой, доц. Т.В. Огородовой. – Ярославль: ИПК «Индиго», 2013. – 392 с.
7. Брякова И.Е. Креативная компетентность педагога – новый вектор развития образования. // Педагогический имидж. 2019. № 3 (44).
8. Формирование навыков креативного мышления у студентов при изучении философии, логики: конспект лекций для студентов всех специальностей. / А.И. Лойко [и др.]; под общ. ред. А.И. Лойко. – Минск: БНТУ, 2015. – 80 с.
9. Қўйсинов О.А. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари. Дисс. 2019. – 237 б.
10. Махмутова Г.Ф., Фёдорова Р.З. Компетенция и компетентность в современном образовании. // Актуальные исследования. 2020. №5 (8). С. 75-79. URL: <https://apni.ru/article/387-kompetentsiya-i-kompetentnost-v-sovremennom>.
11. Drapeau Patti. Sparking students creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria-Virginia, USA: ASCD, 2014.



### ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИДА КОРПОРАТИВ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МОДЕЛИ

Каюмова Мехрибону Шералиевна -  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети таянч докторанти

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss2/a51](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a51)

**Аннотация.** Ушбу мақолада олий таълим муассасаси талабаларида корпоратив маданиятни шакллантириш модели кўрсатилган. Шунингдек, талабаларда корпоратив маданиятни шакллантириш бошқичлари, корпоратив маданият мазмуни, олий таълим муассасаси салоҳияти ва талаба шахсининг салоҳиятидан фойдаланиш шакллари келтирилган.

**Калит сўзлар:** корпоратив маданият, корпоратив муносабатлар, касбий компетенция, таълим-тарбия, мослашувчанлик, фаол ривожланиш, касбий ривожланиш.

### МОДЕЛЬ ФОРМИРОВАНИЯ КОРПОРАТИВНОЙ КУЛЬТУРЫ У СТУДЕНТОВ ВУЗА

Каюмова Мехрибону Шералиевна -  
Базовый докторант Ташкентского государственного  
экономического университета

**Аннотация.** В данной статье представлена модель формирования корпоративной культуры у студентов высших учебных заведений. Также приводятся этапы формирования корпоративной культуры у студентов, содержание корпоративной культуры, потенциал вуза и формы использования потенциала личности студента.

**Ключевые слова:** корпоративная культура, корпоративные отношения, профессиональная компетентность, образование, гибкость, активное развитие, профессиональное развитие.